

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯДА ТИЛ ТАДҚИҚОТИ



Исмоилхўжа ИБРОҲИМХЎЖАЕВ
филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт университети



Тоир ИКРОМОВ
филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ТИЛДАГИ ТЕЖАМҚОРЛИК ТАМОЙИЛИ ВА ИДИОМАТИКЛИК

Мазкур мақолада идиоматик қўшма сўзлар ясалишида тилдаги тежамкорлик тамойили муҳим ўрин тутишига урғу берилган, чунки идиоматиклик хусусияти янги сўз ясашда сўз ясовчи компонентлар маънолари ҳамда андозавий маъно ва номинация объекти — экстралингвистик денотатнинг номланиши лозим бўлган белгилари ва хусусиятларининг мувофиқлашувидан ҳосил бўлади. Бу мувофиқлаштириш инсон мияси тафаккури фаолиятининг маҳсулидир. Бу номинализация жараёнида тузилиши жиҳатидан мураккаб структурага эга сўз бирикмаси ёки гапнинг мазмуни сиқилиб, нисбатан содда тузилишга эга қўшма сўзнинг семантик структурасида ўз ифодасини топади ва ўз навбатида идиоматикликни юзага келтиради.

Статья посвящена исследованию роли принципа языковой экономии в процессе появления сложных идиоматических слов. При образовании новых сложных слов идиоматичность возникает в результате приспособления значений словообразовательных компонентов и форманта, а также признаков и свойств объекта номинализации — экстралингвистического денотата. Это приспособление является продуктом мышления человека. В процессе номинализации значение структурно сложной единицы-словосочетания или предложения сжимается и находит свое отражение в семантической структуре идиоматичного сложного слова, имеющего более простую структуру.

The article is devoted to the research of the role of language economy principle in the process of emergence of idiomatic compound words. The idiomaticity in building a new compound word appears because of adjustment of the meanings of wordforming components and structural formant as well as the signs and features to be nominated of the object of nominalization - extralinguistic denotatum. This adjustment is the product of the thought of a human being. During

the nominalization process, the meaning of a composite phrase or sentence, is compressed and finds its reflection in the semantic structure of an idiomatic compound word with a more simple structure.

Калит сўзлар: тилдаги тежамкорлик тамойили, идиоматиклик, нутқ фаолияти, структуравий-семантик андоза, номинализация, идиоматик кўшма сўз, шаффофлик, денотат, аналогия омили, идиоматиклик даражаси, контекст, ўзак морфема.

Ключевые слова: принцип языковой экономии, идиоматичность, речевая деятельность, структурно-семантическая модель, номинализация, идиоматичное сложное слово, прозрачность, денотат, принцип аналогии, степень идиоматичности, контекст, корневая морфема.

Key words: the principle of language economy, idiomaticity, speech activity, structural-semantic pattern, nominalization, idiomatic compound words, transparency, denotatum, the principle of analogy, idiomaticity degree, context, root morpheme.

*Ул сабабдан бул сабаб келгай қара
Бесабаб бўлмас сабаб пайдо сира.*

Жалолиддин Румий

Инсон яратилиш жараёнидаёқ тежамкорлик тамойили асосида пайдо бўлган бўлса керак, чунки инсон танасининг кўп аъзолари бир эмас, бир неча вазифаларни бажаришга мўлжалланган. Биргина инсонни бошқа маҳлуқотлардан ажратиб турувчи, ўзаро мулоқот қилишни амалга оширувчи тил – нутқ аъзоларидан бири сифатида бир неча вазифа бажаради.

Ривоят қилишларича, қадим замонларда инсонлар қабила-қабила бўлиб яшаётганларида, қабила аъзолари кўпайиб кетганда, қабилада бўлиниш содир бўлар экан. Янги ажралиб чиққан қабилага эски қабила бошлиғи рамзий маънода олов совға қилар экан. Бундан мақсад – янги қабила олов қидириб овора бўлмасин, тежамкорликка ўргансин деган маъно ётар экан. Тежамкорлик ҳиссиёти инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларида қўлланилади.

Хўш, инсон тилида – нутқ фаолиятида тежамкорлик тамойили қандай ўрин тутади?! Тежамкорлик тамойили тилнинг ҳамма бўлимларида: а) фонетикада — сўзларни талаффуз қилишда товуш ассимиляцияси ҳодисаси одатий бир ҳол, масалан, арабча сўз ёзилиши “ал салом”, лекин ўқилиши “ассалом”; худди шунга ўхшаш “ал шабаб” ёзилади, лекин ўқилишида – “ашшабаб” деб талаффуз қилиниши лозим”. Тилдаги ассимиляция ҳодисасининг асосий мақсади нутқ органларининг ҳаракатларини тежаб талаффузни осонлаштиришдир. б) морфологияда — морфемалардан ташкил топган сўзларни қисқартиришда, масалан, **does not** ўрнига **doesn't**, **hasn't**, **isn't**, **will not** ўрнига **won't**; инглизча гаплар тузаётганда, ёзувда ҳам кенг қўлланилади, масалан, Европа сўзини қисқартириб **евро-**, миниатюра сўзини **мини-**, максимум сўзини **макси-**; америкаликлар эса **I am going to do** ўрнига оғзаки нутқда **I gonna do** қилиб ишлатадилар.

Инсонларга табиий неъмат – алоқа қуроли, мулоқот воситаси тил инъом этилаётган ва шаклланаётган чоғидаёқ тежамкорлик тамойили бевосита кўлланилган бўлиши керак. Масалан, сўз туркумларидан олмошларни исмлар – от ва бошқа сўз туркумлари ўрнида ишлатиш тежамкорлик эмасми?! Қисқартма отлар-чи? *Америка Қўшма Штатлари “АҚШ”*; *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги* — “МДХ”, *very important person* — “VIP” деб, мураккаб сўз бирикмаси мазмунини шу учта ҳарф билигига жойлаб, ўз меҳнати – энергиясини тежаганлар. Инглизча *blending Oxbridge, smog(smoke+fog)*лар ҳам шулар сирасига киради. Энди шу каби тил ҳодисаси ўзимизнинг ўзбек тилимизда ҳам пайдо бўлмоқда: ресторандан кичикроқ қаҳвахонадан каттароқ овқатланиш тармоғига ресторан сўзидан **ре** қисмига кафе сўзининг **фе** қисмини қўшиб, **РЕФЕ** сўзи *Oxbridge(Ox-Oxford, Cambridge)* ясалган.

Энди бевосита сўз яшашда асосан сўз бирикмаси ёки гап орқали таърифланадиган тушунча – мазмунни кичикроқ тил бирлиги – қўшма сўзга кўчириб жойлаш жараёнида содир бўлади. Ҳар бир сўз яшаш структуравий-семантик андоза, бу – синтактик конструкция – сўз бирикмаси ёки гапнинг трансформа орқали сиқиб жойлаштирилган шакли. Машҳур тилшунос олим Фердинанд де Соссюр “ҳар қандай ясама ёки қўшма сўзлар гап бўлақларига ўхшаб синтактик қоидаларга бўйсунди, яъни қўшма сўзлардаги ташкил этувчиларнинг жойлашиш тартиби сўз бирикмаларнинг тартибий жойлашиш тамойилларига асосланади”(11, 168–169), деб таъкидлаган эди. Бунга асос тариқасида Е.С.Кубрякованинг “**a cage bird – a bird which lives in cages**” while “**a birdcage – a cage for birds**” мисоли фикримизни тасдиқлайди(7, 354). Демак, структуравий-семантик қўшма сўз яшаш андозаси синтактик қоидаларга бўйсунди. Кўпгина машҳур тилшунос олимлар ҳам “қўшма сўз — бу номинализация натижаси, яъни синтактик бирликнинг ягона сўз — отга айланишидир”, деб таъкидлаганлар(2).

Ҳар бир тилнинг асосий вазифаси шу жамият яшаб турган атроф-муҳит, дунё манзараларини ўзида акс эттириш ва ўзида мавжуд бўлган тил бирликлари ва шу бирликларнинг ўзаро андозавий комбинаторик усуллари мажмуасидан фойдаланиб, мазкур жамият аъзолари ўртасида мулоқот қилиш имконини яратишдир. Тилни қай даражада ривожлантириш эса В. фон Гумболдт “халқнинг руҳи” — ҳар бир жамият аъзосининг ақлий қобилияти, унинг фикрлаш фаолиятининг маҳсули. Экстралингвистик омиллар ва уларни ифодалашда, таърифлашда инсон тафаккурининг қай даражада ривожланганлиги, яъни тил арсеналидан қандай фойдалана олиши тил ривожланишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Қўшма сўзлар андозавий намуналар асосида, аналогия йўли билан ясалишини ўрганиш 19-асрнинг охирларида бошланган. Атрофи денгиз билан ўралган мамлакат аҳолиси — инглизлар орасида *seaman, seaship, seacraft* сўзларининг мавжудлиги кейинчалик техника ривожланиши натижасида *airman, airship, aircraft* сўзлари ва кейинчалик яна фан ва техника такомиллашуви билан космик фазога оид *spaceman, spaceship, spacecraft* сўзлари аналогия йўли билан ясалди. Яна бир қизиқ ходиса, авваллари Буюк Британияда одамларни ташувчи автоуловларни оддийгина қилиб *bus* деб аташарди, кейинчалик қўшқаватли автобуслар пайдо бўлгач, уларни *double-decker* деб атай бошлашди ва аввалги якка қаватли автобусни эса янгисига муқобил қилиб *single-decker* деб атай бошлашди ва инглиз тили арсеналини яна битта сўз билан бойитишди. Шу ўринда муҳим лингвокультурологик хусусиятни таъкидлаб ўтиш жоиз: Британия оролларининг атрофи денгиз билан ўралгани туфайли, уларда кемасозлик кенг ривожланган, ҳатто автобус қаватини ҳам *deck* деб атаганлар. Мазкур сўзларни яратишда инглизлар тилдаги мавжуд аналогик андозавий намуналардан фойдаланиб, И. В. Арнольд(1, 109) таъбирича, “*transparent — шаффоф*”ликка, яъни “структуравий ва семантик мотивировкага” эришганлар.

Масалан, инглиз тилидаги “*bookmaker*” сўзи шу тилдаги “*shoemaker*” сўзининг андозавий намунаси бўйича ясалган бўлиб, унинг андозавий маъноси “*one, who makes books*” ва бу сўзда, авваламбор, изоҳдаги сўз тартиби тескари ва “*who*” сўзининг маъноси ва вергул маънолари сўз маъносига кириб кетган ва сўзнинг андозавий намуна маъноси ўзбек тилига ўгирилганда “китоб нашр қилувчи” маънони беради. Мазкур қўшма сўзнинг андозавий намуна маъносини ҳар бир инглиз тилидан хабари бор одам осонликча тушунади ва шу боис мазкур сўз инглизча луғатларда ўзининг андозавий маъносида берилмайди.

Мазкур маънода бу сўзнинг идиоматиклик даражаси грамматик ёрдамчи омилларнинг яширинишини ҳисобга олмаганда, нолга тенг, йўқ даражада, структуравий ва семантик мотивировкаси “шаффофлиги” эса юқори даражада. Лекин шу сўзнинг ўзи “*bookmaker*” Буюк Британияда от ва итлар пойгасида шинавандаларнинг у ёки бу отга тикилган пулларни йиғиб, уларнинг ҳисобини олиб бориш бўйича масъул шахс бўлиб, “*bookkeeper*” андозаси бўйича аналогия йўли билан ясалган. Мазкур маънога қараганда, факатгина “*-er*” агентни англатувчи аффикс маъносидан бошқа, қисмларнинг маъноларини англатувчи ўзак морфемалар сўз маъносининг изоҳида иштирок этмаяпти ва бу ерда идиоматиклик, айниқса, лексик идиоматиклик юқори даражада ва бунга тескари пропорционал — “шаффофлик” даражаси эса андозавий намуна маъносини ҳисобга олмаганда, ўта паст даражада.

Худди шу сўз спорт мусобақаларида оператор – тотализатор – йиғилган пуллардан чўтал (комиссион пул) йиғувчи шахс. Буни қарангки, иккита луғатда бир сўз икки хил маънода. Бу сўзнинг оммалашиб кетганини билдиради. Лекин буларнинг ҳаммасини бирлаштириб турувчи “book” компонентининг маъноси. Яна бир инглизча кўшма сўз “**bookworm**” **n. Any of various small insects that feed on the binding paste of books, especially the booklouse.** Лекин шу сўзнинг ўзи яна “**a person excessively devoted to studying or reading**” ва бу маънода кўшма сўз идиоматиклик хусусиятига эга, чунки мазкур кўшма сўз компонентлари маъноларининг йиғиндисини ва андозавий намуна форманти маъносини кўшганда ҳам сўзнинг ҳақиқий маъноси — “китоб жиннисини” тушунчасини бермайди. Демак, сўз яшашнинг “андозавий намуна форманти”(10) ва унинг маъноси, А.Кондратов таъбири билан айтганда, “грамматик геометрияси”(6, 183) ясалаётган сўзнинг идиоматиклик хусусиятини пайдо қилишга таъсир кўрсата олмайди. Идиоматиклик, бу – семантик хусусият, инсон мияси фаолиятининг маҳсули. Тилнинг ривожланиши, ўсиб ва кенгайиб боришидаги асосий куч – жони, яъни фон Гумболдт таъбири билан айтганда, тилнинг “*энергияси*” инсон мияси тафаккурининг фаолияти.

“Андозавий намуна форманти” – бу мавҳум грамматика геометрияси – математик формула, уларга тил бирликларини кўйиб, Н. Хомскийнинг “генератив грамматика” назарияси бўйича янги сўз ҳосил бўлади. Бекорга Леонард Блумфилд “сўз маъносини шу сўзнинг қўлланиладиган вазияти ва контексти”(5, 142) деб айтмаган. Юқорида келтирилган инглизча кўшма сўзларнинг маънолари махсус контекстни – ситуацияни талаб қилади ва айнан ўша контекстдагина маъно актуаллашади.

Хўш, бу идиоматиклик хусусиятнинг сўзларда юзага чиқишига нима сабаб?

Тилшуносликда эса идиоматик кўшма сўзнинг пайдо бўлишида сўзловчи шахснинг бирон бир денотат – предмет, ҳодиса ёки тушунчани аташ *сабаби* ётади. Бу мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи шахс сўз яшашнинг классик йўли босқичлари бўйича тилдаги мавжуд тежамкорлик(8, 81–155) усулларини қўллаган ҳолда ва тилдаги аналогия омилидан фойдаланиб иложи бориша қисқа-лўнда қилиб ифодалаган.

Идиоматиклик хусусияти янги сўз яшашда сўз ясовчи ўзак ва негизларнинг маънолари ва номинация объекти — экстралингвистик денотатнинг аталиши керак бўлган белгилари ва хусусиятларининг мувофиқлашувидан ҳосил бўлади ва бу мувофиқлаштириш инсон мияси тафаккури фаолиятининг натижасидир. Ахир тилда тежамкорликка эришиш йўлида инсонлар оғзаки нутқ жараёнида кўпол ғализликликларга —

хатоликларга йўл қўйишади, жумладан, кўпинча сўзлардаги у ёки бу нутк товушларини, яъни фонемаларни нотўғри талаффуз қилишади, бутун бир бўғинларни ютиб юборишади, гапдаги боғловчиларни тушириб қолдиришади, кўп маъноли сўзларни ишлатишади, синтактик конструкцияларни соддалаштириб юборишади, тилда ўзаро бирикмайдиган сўзларни бириктириб юборишади ва бошқа шунга ўхшаш ғализликларни инсон мияси эшитиш жараёнида тезда енгиб ўтади ва шаффофликка эришади. Идиоматиклик эса кўшма сўз компонентларидан бирининг ёки иккаласининг метафорик ёки метонимик кўчимлар ёрдамида маъноларининг ўзгариши сабабли юзага келади. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларни келтирамиз. **“skyjacker-n., a person who hijacks an aircraft”** Мазкур кўшма сўзда номинатор **“hijack”**ни ҳам қисқартирган ҳамда уни ясама сўзга айлантирган – **“jacker”** ва унинг олдига **sky** сўзини қўйиб, унга *осмонда самолётни олиб қочувчи* – *“ҳаво қароқчиси”* маъносини жойлаб, идиоматик кўшма сўз ясаган. Яна бир мисол, **“think-tank – n. an Institute, corporation or center for theoretical studies, especially for the problems of culture and society and research in science and technology”**. Мазкур кўшма сўзда уни ташкил этувчи компонентлари турлича услуб билан маъноларини ўзгартирганлар. Кўшма сўзнинг биринчи компоненти метонимик услуб билан *“олимлар”* сўзининг маъносини уларнинг энг ёрқин ва энг муҳим хусусиятларини, яъни тафаккурини актуаллаштирган. Кўшма сўзнинг иккинчи қисми эса метафора услуби билан бутун бир институт ёки корпорация биносини бўш идишга ўхшатиб **tank** деб атаган. **“Beach comber, baby hunger”** сўзлари ҳам мантиқан нотўғри ясалган, уларда ҳам идиоматиклик даражаси юқори. Хуллас, мантиқан бир-бири билан бирикмайдиган сўзларнинг негизларини ҳар хил лингвистик услублар ёрдамида бириктириб идиоматик кўшма сўз ясаганлар. Тилдаги тежамкорлик тамойили асосида бутун бир гап мазмунини сиқиб, битта кўшма сўз орқали ифодаланган.

Тежамкорлик қанчалик юқори бўлса, сўзнинг идиоматиклик даражаси ҳам шунча ошиб боради.

Тилдаги структуравий-семантик андоза, бошқача қилиб айтганда сўз яшаш модели идиоматиклик кўрсаткичи эмас, чунки идиоматик сўз ҳам, шаффоф сўз ҳам бир хил қолип ёрдамида ясалаверади. Структуравий-семантик андоза, бу — статика, сўз яшаш жараёнида қўлланиладиган шакл, холос, асосий масала – сўз яшаш жараёни эса инсон миясида кечадиган фикрлаш жараёни – тилнинг “энергияси”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Arnold I.V. The English Word. – М., 1986. – 295 с.
2. Lees R. A Grammar of English Nominalization. Second Printing. – The Hague, 1963. – 345 p.
3. Marchand H. Studies in Syntax and Word-formation. – Munchen, 1972; Studies in Syntax and Word-Formation. – München: Wilhem Fink. – 439 p.
4. Marchand H. The Categories and Types of Present-day Word-formation. – Wiesbaden, 1960. – 545 p.
5. Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. — 608 с.
6. Кондратов А.М. Звуки и знаки. 2-е изд., перераб. — М.: Знание, 1978. — 208 с.
7. Кубрякова Е.С. Глава «Словообразование» // Общее языкознание. Внутренняя форма языка. – М., 1972. – С. 344–393.
8. Кубрякова Е.С. Семантика производного слова //Аспекты семантических исследований. – М.: Наука, 1980. – С. 81–155.
9. Мартине А. Основы общей лингвистики /Новое в лингвистике. Выпуск 3. – М.: Прогресс, 1963. С. 366–566.
10. Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. М., 1976. – 248 с.
11. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики// Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М., 1977. – С. 31– 273 с.
12. Идиоматиклик А.И.Смирницкий таъбирича – “қўшма сўз компонентлари маъноларининг йиғиндиси қўшма сўзнинг хақиқий маъносига мос келмаслигидир”. Қаранг: Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. – Б. 117.